

Қувайтдаги Қуръон мусобақасида мингта ўқитувчи қатнашмоқда



15:11 / 13.03.2019 1747

Ушбу Қуръон мусобақаси ҳақиқатан ҳам Қуръондан дарс берувчи ўқитувчилар ўртасида бўлиб ўтмоқда. “Абдуллоҳ ал-Али ал-Мутавва” мукофоти учун ташкил этилган Қувайт миллий Қуръон мусобақасида турли вилоятлардан келган 1000 та ўқитувчи ўзаро куч синашмоқда, деб хабар беради Ал-Сиёсат газетаси.

Қуръонга хизмат жамияти ташаббуси ва Миллий таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган мусобақа биринчидан Қуръони каримдан дарс берувчи ўқитувчиларнинг малакасини оширишга катта ёрдам берса, иккинчидан, таълим вазирлиги тизимидаги соҳа ўқитувчилари ўртасида илмий алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилади, дейди Миллий таълим вазири ёрдамчиси Суъуд ал-Хурба.

***Islom.uz* портали таҳририяти**